



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ГАЗЕТА
1918 йил
21 июндан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 216 (20. 483)

1989 йил 19 сентябрь, сешанба

Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОН
ПАХТА ШТАБИ

ХОБИЯ
89

ТЕЛЕФОНЛАР:
337604, 325315
325320, 325370

Дунё
ОВОЗИ

ФАЗОДАГИ
ҚАРДОШЛИККА ЭГИЗАК



«Космосда ҳам, Ерда ҳам алоқаларни мустаҳкамлаш лозим. СССР, Франция ва бутун Ер юзи ҳозир шунга муҳтождир. Мен шу жараида иштирок этаётганимдан хурсандман» — деди ҲЗТАГ мухбирга Франциянинг биринчи космонавти Жан-Лу Крестьян. У Тошкентга Франция космонавти шунингдек Франция космик тадқиқотлари миллий маркази ҳодимлари делегацияси составида келган. Улар билан биргаликда сафарда совет космонавти ва СССР «Главкосмос» вакиллари Жан-Лу Крестьян бундан етти йил муқаддам Ўзбекистонда биринчи бор бўлган эди. Ушунда у «Союз Т-6» космик кемасида Совет-Француз қўшма парвоздан кейин республикамизга сафар қилган эди. Маълумки Владимир Жониково кема командири бўлган эди.

— Биргаликда парвоз қилган дўстларим ва ўртоқларим — Владимир Титов, Александр Волков, Муса Манаров, Сергей Крикалев билан биргаликда республикага яна саёҳат қилишдан хурсандман — деди Жан-Лу Крестьян. — Космосни ўзлаштиришда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик давом этмоқда, яна ланка йилдан кейин совет-француз космонавтларининг биргаликдаги узуни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу парвозда менинг ҳамкасбим Мишель Тонин қатнашади. Янги орада у Москвага, космонавтлар тайёрлаш марказига етиб келади. Келажакда эса яна битта биргаликдаги парвоз амалга оширилади. Франциянинг «Гермес» космик кемаси Совет Иттифоқининг «Мир» орбитал стацияси билан туташтирилиши керак.

18 сентябрь куни меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қабул қилди.

Космонавтлар Ўзбекистонда улар кун бўлишди. Улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. Самарқандга сафар қилишди. (ҲЗТАГ)

«Совет Ўзбекистони» почтасидан МИЛЛИЙ МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

КПСС Марказий Комитети Платформаси лойиҳасидаги миллатларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши лозимлиги мамлакатимиз социал сиёсатида асосий ўзак бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади, деб алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, бу — мавжуд масалаларнинг тинч ва ишчанлик билан ҳал қилишда ишончли қалит.

Редакциямизга келатган кўплаб хат-хабарларда ана шу мавзу қаламга олинган.

ИҚТИСОД ЯХШИ БЎЛСА...

Граждандар ва иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси-ман. Инқилобдан илгариги ҳаётни ҳам яхши эсламан. Шу тўғрисида буғунги кунимиз қанчалик мураккаб бўлмасин, уни ўзимизга қисс қила олмайман. Ватанимиз тарихининг қувончли ва аялчи саҳифаларини ўз бошимдан кечирганлигим учун ҳам шундай дейман.

Бир нарса мени ранжитди. Буям бўлса мамлакатимизнинг турли вилоятларида миллий инзолар келиб чиқаётгани. Мен дорилфунунда ўқийман, олий мактабларда таҳсил олишга мурожаат бўлмадим. Шароит шундай эди. Умрим кураш ва меҳнат билан ўтди. Шу пайтга қадар одамларнинг миллатига қараб ажратилиш нисбатини билмайман.

Бутунги миллатлар орасида келиб чиқаётган инзолар назаримда иқтисоддаги тақчиллик тўғрисида бўлипти. Агар савдо дўконларида озиқ-овқат, кийим-бош ва турмуш учун зарур бўлган буюмлар босиб

ВАТАН— ЯГОНА

Миллатларро муносабатлар — тарихий жараён. У кишиларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзини белгилайди, сиёсий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий қарашларини йфода этади. Бу муносабатлар ҳар бир инсон, ҳар бир халқнинг эътибор келиб чиқишидан қатъи назар бир-бирини қадрлашни, урф-одатларга ҳурмат ва эътибор билан қарашни тақозо этади.

Ватанимизда яшовчи миллатлар ва эллар ўртасидаги миллий муаммоларни, мунозаларни масалаларни босиб келиб ҳал этиш зарур. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев ҳақда равишда таъкидлаганидек, барча миллатларга мансуб кишилар бу вазитини билишлари, уни англаб етишлари керак.

Биз бундан қирқ беш йил муқаддам Ўрта Осиё республикаларига кўчирилган камсонли миллатлар вакиллари билан оғанидек яшаб келдик, ҳозир ҳам яшаёмиш. Улар билан қадрдонимиз. Бир-биримизга қиз бериб, қиз олиб қуда-авада тутинганмиз. Қашқадар воқеасида ҳам ўзбек тоқиб билан, туркман татар билан, рус-украин, болгар-белорус билан, хуллас ҳамма бир-бири билан дўст, ўртоқ, биродар.

Миллатларро дўстлик ҳақида ўйлаганда Нусим Хикмат билан Шайхзода, Гафур Гулом билан Собит Муқоно, Мирзо Турсунзода билан Саммад Вуриғ, Константин Сиёмонов билан Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов билан Ўлжас Сулаймонов, Чингиз Айтматов билан Одил Ёкубов кўз олдимизда намоён бўлади. Уларнинг биродарлиги, адабий ва инсоний дўстлиги бизлар учун ҳаммаша намуна.

КПСС Платформаси лойиҳасининг ўқиб эканман, СССР Министрлар Совети ҳузурида миллий сиёсатимизни тартиб этувчи давлат органи тузиш зарур, деб ўйлайман. Чунки бундай орган илгари бор эди. Уни қайта тиклаш қўлгина масалаларини ҳал эта оламиз.

Ўқимиллатли жамиятда яшаб келиш ва бундан буюн ҳам яшайверамиз. Чунки оқимизнинг бир, тақдиримиз бир. Ватанимиз — ягона!

Исмомил АМИРКУЛОВ,
Қашқадарь.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

КПСС Марказий Комитетининг миллатларро муносабатларга бағишлаб ўтказилган навбатдаги Пленумидан кутган ниятларим кўп. Уларнинг доқдақ биттисини тақлиф тарзида айта қолай: бирор миллат вакилининг миллий гуруҳини ҳақоратлашга, миллатлар ўртасида «олов» ёқишга ва уларни гиж-гижлашга уринган кишиларни ҳозиргадан ҳам қаттиқроқ масъулиятга, керак бўлса жавобгарликка тортиш тўғрисида қатъий қонун тартиблар ўрнатмоқ зарур.

И. ҒОНИБАЗАРОВ,
Қўшработ райони.

БОШ МАСАЛА

Миллий масалада бош муаммо — тил муаммоси. Бу муаммони ленинча адолат билан ҳал қилмай туриб, миллий масаладаги бошқа муаммоларни ечиб бўлмайди. Адабиёт ва санъат, илм-фан ва маданият ривожига ҳам аслида тил тараққийига бориб тақалади. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг ўз тили давлат тили мақомига эга бўлиши зарур. Тилининг давлат мақомига эга бўлишини шахсан мен шундай тушунаман.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги миллий муносабатларга бағишланган Пленумида тил масалалари ҳам адолатли ҳал этилишига умидворим.

Абдуқадҳор ИБРОХИМОВ,
ёзувчи.

Иқтисодий соҳасида, илмий надрлар тайёрлашда қайта қуриш номзодли ва докторлик диссертациялари ёрлаш тартибин қайта қуриб чиқишни тақозо этади. Социалистик иқтисодий ҳўжалик иқтисодиётидаги маъмур муаммоларни муҳоама қилиш учун 18 сентябрь куни Тошкентда бошланган Бутуниттифоқ кенгашига СССР Бутуниттифоқ аттестация комиссиясининг вакиллари, Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши, Тошкент халқ ҳўжалик институтини ходимлари бор.

Бир ҳафта мобайнида «Қишлоқ ҳўжалик иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича диссертациялар ёрлашнинг ҳозирги аҳволини муҳоама қилиш, тадқиқотларнинг янада долзарб мавзуларини аниқлаш керак бўлади. Ҳўжалик ҳўсоби муносабатлари у ёки бу тақлифининг самарадорлигига тез ва аниқ баҳо беришни ёки ақсична ҳўжаликнинг заифлигини исботлашни талаб қилади.

(ҲЗТАГ)



«ПЎЛАТ ОТ»ЛАР ПАНД БЕРМАЙДИМИ?

Богот районидagi «Богот», Шовот районидagi «Колос», Янгиорғил районидagi Аваз Утар номли совхоз механизаторларининг қувончи кечис. Улар машинада пахта териштипти. Ҳисобларидagi тонналар салмоғи кун сайин кўнаиб бормоқда.

Бироқ Хоразм облатининг қўлгина ҳўжаликларидagi техникага эътибор қўйилмагандек эмас. Жойларда терим агрегатларини мавсумга тайёрлаш ишлари суст олиб борилади. Ремонт сифати талабга жавоб бермайди.

Уттан йили облатда машина терими тоширини 43 фоизга бақарилган эди. Ҳоразм, Хива, Богот районларида эса бу кўрсаткич 30 процент атрофида қолиб кетган. Демак оски хато яна такрорланиши мумкин.

— Бу йилги аҳвол унчаллик даражада ёмон эмас, — дейди облат агрономов комитети ремонт бўлими бошлиғи О. Ҳайитбоев. — Шу пайтга қадар 1618 терим машинасида 1535 таси ремонтдан чиқарилади. Қолган ишлар тез орада тугатилади.

Бошлиқнинг умидбахш сўзларидagi хотиржамлик кишини ташвишланиш билан ҳалос этолмайди. Буш бунга Шовот, Урганч, Янгибозор районларидаги бир қатор ҳўжаликларда бўлганимизда амин бўлиш. Бонси шунданки, бу жойларда қозодаги рақамлар билан амалий ишлар ўртасида анча фарқ бор. Маълумотлардagi «тула созила» деган рақамларини амалда текшириб қўрилганда кўни ҳақиқатга тўғри келмади. Устига-устак ҳали облат бўйича 200 дан ортмиқ «сангори кема»га мотор қўйилмаган. Тўғри, ремонтчилар фаолиятга терим мавсуми давомида баҳо қўйилади. Лекин бу пайтда йўл қўйилган ҳар бир нуқсон жуда қимматга тушиши мумкин. Чунки агрегатнинг би-

ОИЛАВИЙ ЗВЕНОЛАР ИБРАТИ

Совхоз пахтакорларига бу йил анча мураккаб бўлди. Баҳорги табиат инкизиликларига тўғрисида гўза майдонларга қайтадан уруғ қаллади. 870 гектар майдоннинг ҳар бир қарий ерида яна матонат билан ишлашга тўғри келди. Пахтакор мажбуриятга яраша ҳосил тўлашга қалб қўрнин сарф этади. Езда ҳам тинмайди.

Нихот пахтакор орау қилган қуилар етиб келди. Ҳосил етилади, навбат уни йнги-териб олишга.

Ҳозир пахтакорларда иришкорлар ҳар бир дақиқани қадрлаб, меҳнат қилаётганлиқларининг гувоҳи бўлса. Чунки, ҳосил ўтган йлга нисбатан 20 кун кечроқ етилади.

Қарши районидagi «Партия XXII съезди» совхоз пахтакорларига оилавий звенолар аъзолари чиқилди. Бу йил уларнинг сон 15 га етди. Ҳар бир звено ўз куч қудратига яраша мажбурият олган.

Сиз суратда қўриб турган Раъно Муродхўжаева йнги-теримда қатнашиб, хирмонга барака киритаётир. У ўз оиласига яқиндан ёрдам бермоқда.

Ш. ШАРОПОВ сурати.
(ҲЗТАГ).

Чорвадорлар ЮТУГИ

«Хўжаобод» Ленинизм колхоз бдорқибкорларини гўшт еттиришни тўғрисида олий тоширининг бақаринди. Қабул пунктларига 35 тонна гўшт етказиб берилди.

Районнинг бошқа ҳўжаликларидagi ҳам давлатга гўшт тошириш қизғин давом этмоқда.

Р. ЖУМАНИЕЗОВА.

Шарҳловчи минбари ЖАҲОН КЎЗГУСИ

Ер юзидagi тинчликни мустаҳкамлаш ва куролсизланиш, маҳаллий жоғарларни баргараф этиш ва социал-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳўқуқларини таъминлаш ва экологик ҳалокатнинг олдини олиш муаммолари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бутун Нью-Йоркда очилганидан навбатдаги 44-сессия кун тартибидagi асосий ўрини олади. Анжуман кун тартибига 150 та масала қўйилган. Олдинда уч ойгача давом этадиган қизғин ишлар турибди. Ана шу муқадд ичда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бутун тинчликсевар инсониятининг куч-ғайратлари тўғрисида халқро майдонда эришилган жамини ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш учун қўлгина ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Жаҳон халқларини аниқ шу вазифани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зиммасига юклаголди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳозир 159 давлат аъзо бўлиб, у ёғарибор аётган жаҳон кўзгусидир. Шу маънода олганда ушбу

ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

ЖАКАРТА, 18 сентябрь. (ТАСС). Индонезия президенти Суҳарто Индонезия билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги аҳдиномаларни ривожлантириб, ипак кўрти боғини ва пилла етиштириш соҳасидаги тажрибани ўрганиш учун бир гуруҳ мутахассисларни Ўзбекистонга юбориш ҳақида фармойиш берди. Индонезия республикаси давлат бошлиғининг яқинда СССРга қилган ташрифи вақтида ана шундай аҳдинома эришилган эди. Индонезия ўрмон ҳўжалиги министри Ҳасрул Харахал шаба кўчи президенти Суҳарто билан учрашгандан кейин шу янгиликни маълум қилди, деб хабар беради бутун «Компас» газетаси.

Индонезия президенти Ўзбекистон пойтахтига борганида, жуғуладан, бу республикада пилла кўрти боғини соҳасида ортирилган бой тажриба асосида пиллачилик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини муҳоама қилинган эди. Индонезия томонини ўзбек пахтасини кўпроқ харид қилишдан манфаатдор эканини ҳам билдирди, деб хабар қилади «Компас» газетаси.

Шарҳловчи минбари ЖАҲОН КЎЗГУСИ

Ер юзидagi тинчликни мустаҳкамлаш ва куролсизланиш, маҳаллий жоғарларни баргараф этиш ва социал-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳўқуқларини таъминлаш ва экологик ҳалокатнинг олдини олиш муаммолари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бутун Нью-Йоркда очилганидан навбатдаги 44-сессия кун тартибидagi асосий ўрини олади. Анжуман кун тартибига 150 та масала қўйилган. Олдинда уч ойгача давом этадиган қизғин ишлар турибди. Ана шу муқадд ичда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бутун тинчликсевар инсониятининг куч-ғайратлари тўғрисида халқро майдонда эришилган жамини ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш учун қўлгина ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Жаҳон халқларини аниқ шу вазифани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зиммасига юклаголди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳозир 159 давлат аъзо бўлиб, у ёғарибор аётган жаҳон кўзгусидир. Шу маънода олганда ушбу

ДАСТЛАВКИ БОСҚИЧ

Венгрия ўз қуролли кучларини бир томонлама тарзда қисқартиришга киришди. Венгрия халқ армиясининг шахсий состави ва куролроғларини қисқартириш жорий ва келгуси йилда салкам 8,8 фоизини ташкил этиши керак.

МТН—ТАСС сурати.



Воқеалар,
хабарлар,
фактлар

БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Бир ҳафта мобайнида «Қишлоқ ҳўжалик иқтисодиёти» мутахассислиги бўйича диссертациялар ёрлашнинг ҳозирги аҳволини муҳоама қилиш, тадқиқотларнинг янада долзарб мавзуларини аниқлаш керак бўлади. Ҳўжалик ҳўсоби муносабатлари у ёки бу тақлифининг самарадорлигига тез ва аниқ баҳо беришни ёки ақсична ҳўжаликнинг заифлигини исботлашни талаб қилади.

(ҲЗТАГ)

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Х. Х. ҲУЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Ҳамидулла Ҳабибуллоевни Ҳулово Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОХИМОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 17 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. А. ХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Санобар Ахролова Ҳўжаева Ўзбекистон ССР социал таъминот министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОХИМОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 17 сентябрь.

